

# Ўзбекистон умумий амалиёт врачлари ахборотномаси

**Бош мухаррир:**

Касимов Ш.З.

Таҳрир ҳайъати:

Абдурахимов З.А.

Зоҳидова М.З.

Зарипова М

Мавлянова Д.А.

Миразимов Д.Б.

Назарова Г.У.

Нармуҳамедова Н.А.

Садирова М.А. (масъул котиб)

Хакимова Л.

Ходжанова Т.

Фузайлов Ф.З.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: 02-00129.

Таҳририят манзили:

100007, Тошкент шаҳри,

Паркент кўчаси, 51- уй.

УАШ малакасини ошириш кафедраси

Тел./факс: 268-16-29, 268-08-17

E-mail: [uzgp@infonet.uz](mailto:uzgp@infonet.uz)

[info@avuz.uz](mailto:info@avuz.uz)

**ISSN 2181-4864**

**Тошкент  
2014 йил**

**«Дори воситаларини мақсадга мувофиқ ишлатиш - ҳар бир беморнинг клиник эҳтиёжига қараб маълум бир даволаш муолажаларини олиш жараёнида, индивидуал хусуссиятларини инобатга олган ҳолда дорининг дозаси, адекват вакт давомийлиги ва жамият учун энг паст нархда бўлиши зарурлигини қўзда тутади»**

**(Дори воситаларини мақсадга мувофиқ ишлатиш бўйича  
ЖССТ экспертларининг анжумани, 1985 й.)**

Охирги йилларда Мамлакатимизда фармацевтика бозори фаол равишда ўсиб бормоқда: рўйхатдан ўтган дори воситаларининг (ДВ) сони ва турлари қўпайиб бормоқда, аҳоли учун дориларнинг сотиб олиш имкониятларини ошириш бўйича лойихалар кенг ривожланмоқда. Шу билан биргаликда, даволаш муолажаларига мақсадга мувофиқ ёндашув муаммоси нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам учрайди. ЖССТ маълумотларига қараганда 50%-дан ортиқ тавсия этилган ёки тарқатилган ДВлари мақсадга мувофиқ ишлатилмоқда, шу билан бир қаторда 50% беморлар дориларни нотўғри қабул қиласидар, ер киррасида истиқомат қиласидиган аҳолининг учдан бир қисми ҳаёт учун мухим бўлган ДВни олишга имкониятлари йўқ ва касалхоналарга ётқизилган bemорларнинг 10% ни олдини олиш мумкин бўлган, дори воситаларининг ножӯя таъсири ташкил этади.

ДВни мақсадга номувофиқ ишлатиш - бу юқорида қайд этилган тамойилларга риоя этмаган ҳолда тавсия этишdir. ДВни мақсадга номувофиқ ишлатишнинг кенг тарқалган турларига қуйидагилар киради:

- бирта беморни даволаш учун меъёридан кўп бўлган дори воситаларини ишлатиш (полипрагмазия);
- антибактериал препаратларнинг нотўғри ишлатилиши, кўп ҳолларда адекват бўлмаган дозаларда ва бактериал этиологияга эга бўлмаган юқумли касалликларни даволашда;
- перорал дори воситаларини тавсия этиш зарурияти бўлган ҳолларда дориларни парентерал йўл орқали юбориш усуllibарини асосланмаган ҳолларда кўп микдорда ишлатиш;
- далилларга ассосланган тиббиёт принциплари асосида тузилган клиник тавсияномаларга риоя этмаган ҳолда ДВни ишлатиш;
- кўп ҳолларда рецепт билан бериладиган дори воситаларини ишлатган ҳолда bemорларнинг ўзини-ўзи даволаши.

ДВни нотўғри ишлатилиши одамлар учун заарли бўлган оқибатларга олиб келади ва ресурсларнинг исрофгарчилигига сабаб бўлади, буларга қуйидагилар киради:

- *Микробларга қарши ишлатиладиган препаратларга чидамликнинг ривожланиши. ДВнинг ножӯя таъсири.*
- *Исрофгарчиллик билан ишлатилган ресурслар.*
- *Беморларнинг соғлиқни сақлаш тизимиға ва шифокорларга бўлган ишончига путур етказади.*
- *ДВнинг нотўғри ишлатилиши даволаш самарадорлиги ва хавфсизлигининг пасайишига, хуружларнинг кучайиши ва касалликнинг чўзилишига, стресс ҳолатлари ва bemорнинг асабийлашишига олиб келади.*



### Эсингизда бўлсин:

Журнални ҳамкасбларингиз билан ўқиб чиқшиш бергаликда муҳокама қилиши учун ҳамда бу саволлар журнал мазмун-моҳиятини ўқиб ва тушуниб олишда сизга кўмаклашиши учун мўлжалланган. “Ўрганиб чиқишдан ОЛДИН” ва “Ўрганиб чиқишдан КЕЙИН” бўлимларидағи жавоблар натижаларини солиштириб, Сизнинг билимингиз қай даражада яхшиланганини билиб оласиз. Тест саволларига тўғри жавоблар бир ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин

	Ўрганиб чиқишдан ОЛДИН					Ўрганиб чиқишдан КЕЙИН				
№	а	б	в	г	д	а	б	в	г	д
1										
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										
Натижа										

Ҳамкасбларингиз хам тест саволларига жавоб бериш хоҳишини билдиришса ушбу тест саволларини кўпайтириб олишлари мумкин

## ТЕСТЛАР

1. *ДВни мақсадга мувофиқ тавсия этиши мезонларига қуийдагилар киради:*
  - a. Самарадорлик
  - b. ДВни беморга тұғри келиш-келмаслигини ҳисобга олмаслик
  - c. Аник ва тегишли маълумот
  - d. Хавфсизлик
  - e. Қарши күрсатмаларнинг йўқлиги
2. *Кўкрак сути билан эмизадиган аёллар қайси дориларни қўллаши мумкин эмас:*
  - a. Амоксициллин
  - b. Ципрофлоксацин
  - c. Индометацин
  - d. Эритромицин
  - e. Диазепам
3. *ДВни болаларга тавсия этиши жараёнида қуийдагиларга эътибор қаратиш зарур:*
  - a. Болалар «катта одамлар» эмас
  - b. Бола қайси ёш категориясига киради
  - c. Фақат вазн кўрсаткичига асосланган ҳолда дозани ҳисоблаш
  - d. Тана сиртига асосланган ҳолда дозани ҳисоблаш
  - e. Ҳамма жавоблар тұғри
4. *Кекса одамларни даволаши жараёнида қуийдаги принципларга риоя этиши керак:*
  - a. Фақат номедикментоз терапияни тавсия этиши
  - b. ДВни эхтиёткорлик билан ишлатиш
  - c. Полипрограммияга йўл қўймаслик
  - d. Фақат медикментоз даволаш
  - e. Даволаш муолажаларини юқори бўлмаган дозалардан бошлаш
5. *Танқидий кўз билан қараганда дори воситаларининг эмбрионга яширин хавф түғдириши мумкин бўлган даврлар:*
  - a. Уруғланишгача
  - b. Уруғланишдан бошлаб то 11 кунгacha
  - c. 11 кундан бошлаб то 3 ҳафтагача
  - d. 4 ҳафтадан бошлаб 9 ҳафтагача
  - e. Ҳамма жавоблар нотўғри
6. *Қайси ДВни ривожланаётган ҳомилага энг юқори тератоген таъсир ўтказади:*
  - a. Эритромицин
  - b. Варфарин
  - c. Даназол
  - d. Парацетамол
  - e. Фенитоин
7. *Ҳомиладор аёлларга дори воситаларини буюришида қуийдаги тавсияларга риоя этиши зарур:*
  - a. ДВни буюришда эришиладиган фойда ва зарарни ўйлаб кўриш
  - b. Иложи борича ҳомиланинг биринчи триместерида дори воситаларини ишлатмаслик
  - c. Бир нечта дори воситаларини қўллаш
  - d. Махаллий дори воситаларига кўпроқ аҳамият бериш
  - e. Бир вақтнинг ўзида бир нечта дориларни ишлатиш

*8. Қайси омиллар ДВни она сутига ўтишига таъсир қилмайды?*

- a. Онанинг ёши
- b. Кўкрак безларида қон айланиши
- c. Онадаги экстрагенитал касалликлар
- d. ДВ метаболизми
- e. Она сути ва қон плазмаси оқсиллари билан боғланиш даражаси

*9. Бета-блокаторларга таалуқли бўлган хусусиятлар:*

- a. Инсулин таъсирини йўқотади
- b. Сурункали обструктив ўпка касалликларида ишлатилади
- c. Глюкозанинг толерантлигига таъсир кўрсатади
- d. Қандли диабет касаллигига самарали қўллаш мумкин
- e. Ҳамма жавоблар тўғри

*10. ДВни номувофиқ ишлатилиши сабаблари:*

- a. Билим ва кўникмаларнинг йўқлиги
- b. Дориларнинг чекланган миқдорда бўлиши
- c. Дори ҳақида тегишли маълумот мавжудлиги
- d. Нархлар бўйича дориларнинг қимматлиги
- e. Шифокорларнинг беморлар таъсири остига осон тушиши

## **МАҚСАДГА МУВОФИҚ ДАВОЛАШ ЖАРАЁНИ**

Аксарият шифокорларда беморларга доимий равишда буюриладиган дори воситаларнинг чекланган миқдори мавжуд. Уларнинг сони 100-тадан зиёд бўлмайди, ўртача бу кўрсаткич 40-60 ҳар турдаги дорилардан иборат. Сиз қўлладиган дори воситаларнинг рўйхати персонал ёки сиз маъқул кўрган (П-дори воситаси) деб ифодалаш мумкин. Даволашнинг мақсадга мувофиқ жараёни медикаментоз ва номедикаментоз даволашни ўз ичига олиши зарур. Баъзи бир ҳолларда бизлар фақат номедикаментоз даволашни тавсия этиш билан чекланамиз, бу ўз навбатида энг тўғри, самарадор, хавфсиз ва арzon усуллардан бири ҳисобланади.

Мақсадга мувофиқ даволашни ишлатиш жараёни беморнинг муаммосидан келиб чиқсан ҳолда кадамма-кадам амалга оширилади. Бу жараён мантиқий ва тўғри ёндашувни талаб этади. ДВни тавсия этиш маълум бир жараённинг бир қисми бўлиб, даволашнинг мақсадини аниқлаш, беморларга маълумот бериш ва даволаш жараёнини назорат қилиб бориш каби компонентларни ўз ичига олади.

**ПЕРСОНАЛ ДОРИЛАР (П-ДОРИЛАР) – БУ ШИФОКОР ТОМОНИДАН ҲАҚИҚАТГА ЯҚИН ИЛМИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА УСТИВОР ДОРИ ВОСИТАЛАР СИФАТИДА БЕМОРЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ МАҚСАДИДА ТАНЛАНГАН ДОРИЛАР ҲИСОБЛАНАДИ.**

**МАҚСАДГА МУВОФИҚ ДАВОЛАШНИНГ** тўлиқ жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- I. **Муаммони аниқлаш.**
- II. **Даволаш мақсадини аниқлаш (муаммони бартараф қилиш).**
- III. **Самарали дори воситалар гурухини тузиши.**
- IV. **Маълум бир меъзонларга асосланган ҳолда самарали дори воситалар гурухини танлаб олиш:**
  - Самарадорлик
  - Хавфсизлик

- *Қиймати*
- *Мақсадга муофиқлик*

**V. Мезонларга асосланган ҳолда П-дориларни танлаш:**

- *Самарадорлик*
- *Хавфсизлик*
- *Мақсадга муофиқлик*
- *Қиймати*

**VI. Хулося:**

1. Дори воситасининг фаол таркибий манбаи ва турини танлаш.
2. П-дорининг қабул қилиш бўйича стардарт схемани танлаш.
3. Даволашнинг давомийлиги ва дозаси бўйича стандартни танлаш.

**VII. Беморга дори воситаси борасида маълумот бериш, уни ўргатиш ва ножӯя таъсири ҳақида огоҳлантириш.**

**VIII. Даволашнинг давомийлигини назорат қилиб бориши.**

### **I ҚАДАМ: Беморнинг муаммосини аниқлаш**

Одатда bemor шифокор қабулига маълум бир шикоят ёки муаммо билан ташриф буюради. Беморнинг муаммоларидан ҳаммаси ҳам ташҳис қўйилишига олиб келмайди. Ташҳисни тўғри қўйиш жараёни кўп хил турдаги маълумотларга асосланади: жумладан bemornинг шикоятлари, анамнезидаги маълумотлар, физикал текшириш ва лаборатор-инструментал текшириш усусларини қўллаш давомида олинган маълумотлар. Аксарият ҳолларда bemornинг шикоятлари симптомлар билан боғланган ҳолда учрайди. Симптом ҳамма вақт ҳам ташҳис бўла олмайди, лекин ташҳис қўйишга ёрдам беради.

**Машқ:** bemornинг муаммосини аниқлашга ҳаракат қилинг

**1 bemor:** 54 ёшли эркак, томогида кучли оғриқ борлигига шикоят қиласди. Тана ҳарорати муътадил, томогида енгил қизарии мавжуд.

**2 bemor:** 23 ёшли аёл. Томоқ оғригига шикоят қиласди. Кўриниши жуда толиққан, буйин лимфа тугунлари катталашган. Енгил турдаги иситма бор. У ўтган ҳафтада тошишрган лаборатор таҳлиллар натижаларини билиши мақсадида шифокор қабулига келган.

Энди муаммолар таҳлилига ўтамиз ва ҳар бир ташриф сабабини аниқлаймиз:

**1 bemor:** Бу ерда ангина вирусли инфекция натижасида ривожланган. Бемор жиддий касаллик ривожланишидан хавотирда. Уни бу фикрдан қайтариб тегишли маслаҳатлар бериш зарур. Дори-дармонлар қабул қилишга эҳтиёж йўқ. Вирусли инфекция мавжудлиги натижасида антибиотиклар бу ерда самара бермайди. Вирусларга қарши дорилар фақат кассалик бошланишида самара беради, шунинг учун вирусларга қарши препаратларни тавсия килишнинг фойдаси йўқ.

**2 bemor:** Беморнинг қон таҳлили ОИТС клиник ташҳисни тасдиқлаб берди. Унинг муаммоси олдинги bemorgа қараганда фарқ қиласди, бу ерда ангина яширин касаллик мавжудлиги натижасида ривожланган.

Шундай қилиб, bemornинг муаммосини аниқлаш қуидагиларни ўз ичига олади:

- **Касаллик ёки бузилиш**
- **Яширин касаллик белгиси**
- **Психологик ёки ижтимоий муаммо, хавотирлик ҳолати**
- **Дориларнинг ножӯя таъсири**
- **Бемор томонидан маълум бир дорини кайтадан тавсия этишни илтимос қилиш ҳолатлари**
- **Шифокорнинг маслаҳатларига риоя этмаслик**
- **Профилактик даволашни илтимос қилиш ҳолатлари**
- **Юқорида келтирилган сабаблар комбинацияси**

## **2 ҚАДАМ: Даволаш мақсадини аниқлаш**

Даволашга ўтишдан олдин унинг мақсадини аниқлаш энг муҳим ҳисобланади. Бунинг учун сиз ДВни қўллаш орқали нимага эришишингизни аниқ билишингиз шарт: қон босимини маълум бир даражага пасайтириш, юкумли касалликни даволаш ёки хавотирилик ҳиссиётини камайтириш. Ҳамма вақт шуни эсда тўтиш лозимки, патофизиология бу сиз буюрган дори воситаси таъсир этиш жойини ва максимал эришиладиган терапевтик самарани аниқлаб беради. Даволаш мақсадларини тўғри аниқлаш П-дорини танлашга замин яратади.

Шуни қайд этиш лозимки, даволаш мақсадларини аниқлаш бу яхши ва керакли даволаш йўлини танлашдир. Бу жараён сизни бор муаммога фикрингизни жамлашга ундаиди ва бу ўз навбатида дорини тўғри танланишига олиб келади. Бунинг учун куйидаги саволга жавоб бериш керак: **даволашни тавсия этиш билан нимага эришмоқчисиз?**

**Машқ:** Қўйида келтирилган ҳар бир бемор учун даволаш мақсадини аниқлашга харакат қилинг.

**1 бемор:** 4 ёшли қиз бола, бироз озган. Уч кун давомида беморда сувли диарея, қайт қилиши мавжуд. 24 соат давомида сийдик ажралиши кузатилмаган. Кўрик пайтида тана ҳарорати  $36,8^{\circ}\text{C}$ , лекин пульс тезлашган ва терининг эластиклиги пасайган.

**2 бемор:** 19 ёшли аёл – талаба. Шикоятлари томоқда оғриқ. Томоги бироз қизарган, бошқа ўзгаришилар йўқ. Бир неча дақиқа иккиланишидан сўнг уч ой давомида ҳайз кўришининг бўлмаганигига шикоят қилган. Кўрик пайтида беморда 3 ойлик муддатидаги ҳомиладорлик аниқланган.

### **Ходисалар таҳлили.**

**1 бемор (диарея):** Бу беморда ич кетиши, вирусли инфекция билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки ичининг суюқ ўтиши (шилимшиқсиз ёки қонсиз) ва иситманинг йўқлиги бундан далолат беради. Унда сувсизланиш аломатлари бор (куватсизлик, диурезнинг камайиши ва тери тургорининг пасайиши). Сувсизланиш энг муҳим муаммолардан бири чунки бемор бироз озган. Демак даволашдан мақсад: (1) сувсизланиш ривожланишининг олдини олиш ва (2) регидратация тадбирларини ўтказишдан иборат. Инфекцияни даволаш шарт эмас! Антибиотикларни ҳар эҳтимолга тавсия этиш самара бермайди.

**2 бемор (ҳомиладорлик):** Бемор томоқ оғриғига шикоят қилмоқда, лекин унинг асосий муаммоси ҳомиладорликка шубҳаланиш. Сиз томоқни даволашни тавсия этиш билан унинг муаммосини ҳал эта олмайсиз. Даволашнинг мақсади унинг ҳомиладорликка нисбатан билдирган фикрига боғлиқ ва аслида сизнинг маслаҳатингизга муҳтож. Даволашнинг асосий мақсади – унинг келажагини режалаштиришга ёрдам бериш. Томоқ оғрифини даволаш бу ерга кирмайди. Бундан ташқари, бу аёlda ҳомиладорликнинг эрта даври мавжуд, бу ҳолларда дориларни тавсия этишдан умуман чекланиш керак ва жуда зарур бўлган пайтлардагина дори воситаларни тавсия этиш лозим.

Даволаш мақсадларини аниқлаш ДВни профилактика мақсадида ишлатилишига йўл қўймайди, масалан, ярада ривожланадиган инфекцияни олдини олиш мақсадида антибиотикларни ишлатиш. Бу дориларни мақсадга мувофиқ ишлатилмаслиги мисоли ҳисобланади. Агар сиз даволаш муолажаларини тавсия этишдан олдин бемор билан даволашнинг мақсадларини муҳокама этсангиз яхши бўлади. Бу сухбат беморда мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлашни ва тегишли бўлган стратегияни танлаб олишга сизга ёрдам беради. Бу сухбат беморни даволаш жараёнига жалб этади ва шифокорнинг берган тавсияларига риоя этишга замин яратади.

## **3 ҚАДАМ: П-даволашни танлаш**

Даволаш жараёни бу **номедикаментоз** даволаш, яъни соғлом турмуш тарзини олиб бориш, мақсадга мувофиқ овқатланиш борасида маслаҳат ва маълумот бериш, ҳамда

үргатишиң үз ичига олса (күп беморларга дориларни тавсия этиш умуман керак эмас!) **медикаментоз** даволаш П-дориларни қўллаш ёки ҳар иккала усулни бирга қўшиб даволашни кўзда тутади. Альтернатив самарали даволаш усуллар рўйхатини тузиш жараёнида дорисиз терапия кўп ҳолларда мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлигини эсда тутиш керак. Аммо, П-дорини танлаш жараёнидагидек бу усулни ҳам унинг самарадорлиги, хавфсизлиги, яроқлилиги ва қиймати мезонларини бошқа даволаш усуллари билан таққослаган ҳолда амалга ошириш лозим.

Шунинг учун бу босқичда дориларни тавсия этиш бўйича қўнимани ишлаб чиқиш энг муҳим ҳисобланади. П-дорилар ва П-даволаш ўртасида фарқ бор. Энг муҳими шундаки, ҳамма касалликларни дорилар билан даволашга эҳтиёж йўқ! Кўпгина ҳолларда маслаҳат бериш ва дорисиз даволаш муаммони бартараф этади. ДВни ўрганиш пайдо бўлишини ва қўшимча таъсиrlар кўрсатишини инобатга олиб уларни қисқа муддатларда қўллаш самарали ҳисобланади.

Даволашда сизнинг биринчи қадамингиз дори тавсия этиш эмас, балки маслаҳат бериш бўлади. Агар дори воситаларни буюриш керак деб қарор қилсангиз, аввалан бор алоҳида дориларга эмас, балки дорилар гуруҳига эътибор қаратинг. Ўнг мингдан ортиқ дорилар мавжуд, фармакологик гурухлар эса, фақатгина 70 ташкил этади! Дорилар гуруҳига киравчи фаол таъсиr этувчи моддалар бир хил бўлгани учун уларнинг таъсиr механизми ҳам бир хил, шунингдек уларнинг самараси, ножўя таъсири ва қарши кўрсатмалари ҳам бир хил бўлади. Бензодиазепинлар, бета-адреноблокаторлар ва пенициллинлар – дори воситалари гуруҳи мисолига киради. Гуруҳда энг фаол таъсиr этувчи модда бу дорининг номини англаатади, масалан: **диазепам**, **лоразепам** ва **темазепам**, булар бензодиазепинлар гуруҳига киради, пропранолол ва атенолол бета-адреноблокаторлар гуруҳига кирадиган дорилардир. Самарадор дориларни таққослаш жараёнида дори воситанинг самарадорлиги, хавфсизлиги, ишлатишда қулайлиги ва тан нархлари борасида маълумот олиш керак бўлади.

**Самарадорлик.** Самарадор бўлиш учун дори воситаси қон плазмасида минимал миқдорда бўлиши шарт. Дорининг таъсири ёки фармакокинетикаси унинг «сўрилиши», «тақсимланиши», «метаболизми» ва «чикарилиши» нуктаи назаридан таққосланиши зарур.

**Хавфсизлик.** Дорининг бемор учун хавфсизлиги унинг ножўя ва токсик таъсири асосида аниқланади. Деярли ҳамма ножўя таъсиrlар дори воситасининг таъсиr механизми билан тўғридан-тўғри боғлиқ, аллергик реакциялар бундан истисно.

**Мувофиқлик (ишлатилишида қулай).** П-дорини танлашда ҳар бир беморнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ёндошиш лозим. Қарши кўрсатмалар беморнинг соғлиги билан боғлиқ ҳолларда дори воситаси унинг самарадорлигига қарамасдан қўлланилмайди. Чунки, бошқа касаллик бўлганда сиз буюрган П-дорининг токсик ножўя таъсиrlари ривожланиши ёки қон плазмасида дори воситанинг керакли миқдори таъминланмаслиги мумкин. Ҳомиладорлик ёки лактация пайтида дорининг ҳомилага ёки болага таъсирини инобатга олиш зарур. Шунингдек, овқат маҳсулотлари ёки бошқа дори воситалари билан ўзаро боғланиши дорининг таъсирини кучайтириши ёки камайтириши мумкин. Дорининг тури ёки уни қабул қилиш режимини қулайлиги ҳам bemор томонидан шифокор кўрсатмаларини бажарилишига катта таъсиr ўтказади.

П-дорини танлаш жараёнида буларнинг ҳаммаси инобатга олиниши зарур бўлади. Масалан, болалар ва кекса одамларга мўлжалланган таблеткалар, суюқликлар, суспензиялар ишлатишга қулай бўлган турларида бўлиши лозим. Баъзида мижозингиз сифатида сийдик-таъносил инфекциясига чалинган ҳомиладор аёллар бўлиши мумкин, уларга ҳомиладорликнинг учинчи триместирида сульфаниламид препаратларни (қўлланилиши лозим бўлган П-дорилар) тавсия этишга қарши кўрсатмалар мавжуд. Бундай вазиятларда сийдик-таъносил инфекциясига чалинган бу гуруҳ bemорларга яна бир П-дорини танлаш керак бўлади.

**Даволашнинг қиймати.** Даволаш қиймати беморлар учун дори воситаларни танлашда мухим мезон ҳисобланади. Ҳар бир гурух дори воситаларида ҳар хил нархдаги дорилар мавжуд. ДВ танлашда беморнинг имкониятларига, шу жумладан даволашнинг умумий курс қийматига эътибор қаратиш зарур.

Дорилар гурухини танлашда охирги хулосани беморнинг ўзи қилиши зарур, аммо бунинг асосий мезони даволаш самараси ҳисобланади.

### **3-А ҚАДАМ: Маълум бир bemorga dorinинг taъsir etuvchi moddasi va turi tўғri kеладими?**

#### **Юқори хавф омиллари ва гуруҳлари**

- ҳомиладорилик
- лактация
- болалар
- кекса одамлар
- буйрак етишмовчилиги
- жигар етишмовчилиги
- анамнезида дориларга аллергиянинг мавжудлиги
- бошқа дорилар

**Машқ:** Қуйида келтирилган ҳар бир ҳолатда маълум бир bemorга нисбатан ДВ фаол таъсир этувчи моддасини ва дori гуруҳи самарадорлигини ва хавфсизлигини текшириб қўринг.

**1 bemor:** 45 ёшли эркак. Astma билан касалланган. Сальбутамолни ингаляция тарзда қабул қилмоқда. Бир неча кун олдин сиз бу bemorга артериал гипертония ташҳисини қўйдингиз (145/100). Сиз унга парҳез тутиб, ош тузини чеклашини тавсия қилдингиз, лекин унинг қон босими юқори бўлиб қолмоқда. Сиз даволаш жараёнига яна бир дорини қўшишига қарор қилдингиз. 50 ёшгача бўлган bemorларга сизнинг П-дорингиз кунида 50 мг-дан тавсия этиладиган атенолол таблеткалари ҳисобланади.

**2 bemor:** 3 ёшли қиз бола. Сизга оғир астматик аҳволда келди. У қийинчилик билан нафас олмоқда – «нафас чиқарииши қийинлашган», (стридорли нафас), балгамсиз йўтал, тана ҳарорати 38,2<sup>0</sup>C. Анамнез ва физикал текширишидаги натижалар ҳеч нимани аниқлаб бермади. Болаларда учрайдиган юқумли касалликлардан ташқари bemor касал бўлмаган ва ҳеч қандай дориларни қабул қилмаган. Бу ҳолларда сизнинг П-дорингиз сифатида ингаляцион тарзда қабул қилинадиган сальбутамол бўлади.

#### **Мисолларнинг таҳлили.**

**1 bemor (гипертония):** 50 ёшгача бўлган bemorларда артериал гипертонияни даволашда атенолол яхши П-дори ҳисобланади ва бу bemorга тўғри келади. Лекин, ҳамма бета-блокаторлар каби астма касаллигига нисбий қарши кўрсатмаларга эга. Бу препарат селектив бета-адреноблокатор бўлишига қарамасдан, у бронхоспазм чақириши мумкин, айниқса юқори дозаларда, бу ҳолларда унинг селективлиги камаяди. Агар астма унчалик оғир бўлмаса, атенололни кичик дозаларда тавсия этиш мумкин. Оғир даражали астмада диуретикларга ўтиш яхшироқ, масалан бирон-бир тиазидли диуретик тўғри келиши мумкин.

**2 bemor (Ўткир астматик хуруж билан бола):** Унга тез таъсир этувчи восита зарур. Таблеткалар жуда секинлик билан таъсир этади. Ингаляторлар, уларни bemor тўғри ишлата билса ва нафас олиш қобилияти сақланган бўлсагина самара бериши мумкин. Астматик хуруж пайтида бу нарсани бажариш ҳамиша ҳам осон бўлмайди. 5 ёшгача бўлган баъзи-бир болалар дori билан нафас олиш жараёнида қийинчиликларга дучор бўлади. Кичкина болаларга вена ичига инъекция қилиш ҳам қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Агар ингаляторни ишлатишни иложи бўлмаса сальбутамолни мушак

орасига юбориш альтернатив усул сифатида қўлланилиши мумкин, бу жараён осон амалга оширилади, лекин бироз оғриқ чақирувчи муолажа ҳисобланади.

### **3-Б ҚАДАМ: Дорини стардарт қабул қилиш режаси беморга қулай ҳисобланадими?**

Дори воситани қабул қилиш режасининг мақсади - бу дорининг плазмадаги миқдорини терапевтик даражада ушлаб туришдан иборатдир. Юқоридаги қадамда кўрсатиб ўтилганидек дорининг қабул қилиш схемаси бемор учун самарали ва хавфсиз бўлиши керак. Фақат иккита сабаблар асосида стандарт схемага ўзгартиришлар киритиши мумкин: бу дорининг қон плазмасидаги терапевтик миқдори ўзгарган пайтда ёки бемор учун қабул қилиш схемаси ноқулай бўлса.

#### **Рецептнинг ёзилиши**

Рецепт – бу шифокор томонидан дори воситани рецепт асосида берадиган шахсга қаратилган йўриқномасидир. Рецепт тўғри, аниқ ва албатта тушунарли ёзилиши шарт. Тушунарли ёзилмаган рецепт маъсулиятсизлик деб ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда рецептда ёзиладиган минимал маълумот стандартлари, рецепт билан бериладиган дори воситаларнинг қонунлаштирилган рўйхати ва рецепт ким томонидан берилиши бўйича тегишли йўриқномалар мавжуд. Кўпгина мамлакатларда наркотик дориларга рецепт ёзишининг ўзгача қоидалари бор.

Рецепт ёзилишига бўлган энг асосий талаб бу аниқлик, тушунарли ёзилиши и дорини қанча миқдорда берилишини ўз ичига олиши керак. Кўпгина рецептлар лотин тилида ёзилади, лекин маҳаллий тилни ишлатиш маъқул ҳисобланади.

Дориларнинг номи қисқартирилмаган ҳолда тўлиқ ёзилиши шарт. Чалкашликни олдини олиш мақсадида дори воситаларининг генерик номлари ёзилиши зарур. Л-Допа ўрнига леводопа ёки М-Допа ўрнига метилдопа ёзиш мақсадга мувофик. Нотўғри ёзилган аббревиатуралар бошқача талқин қилиниши ва бемор ўзига тегишли бўлмаган дорини олиш мумкин.

Рецептлар қоғоз парчаларида эмас, балки маҳсус формаларда ёзилади. Рецептларни ўчириб ташланиши ва ўзгартирилишини олдини олиш мақсадида уларни қалам билан эмас, сиёҳли ручка билан ёзиш зарур. Ҳар бир беморни шахс сифатида даволанг. Ҳеч качон битта рецептни бутун бир оиласа ёзманг. Оила аъзоларининг ҳар бирига алоҳида рецепт ёзганингизга ишонч ҳосил қилинг, шу жумладан болалар ва гўдакларни инобатга олган ҳолда.

Бир ёки икки таблетка деб ёзмасдан дорининг дозасини миллиграмм (мг) ёки граммда (г) ёзиш керак. Бу нарса таблеткалар/капсулалар таъсири ўзгариши билан боғлиқ. Микстурани тавсия этишда дозаларни мг/миллилитр (мл) ёки мг/5 мл ёзиш лозим. Батзи бир микстуранлар (айникса антибиотиклар) бир неча таркибдан иборат бўлади. Ҳамма вақт микстуранларни см<sup>3</sup> эмас мл-да ёзиш керак. Тавсия этилган миқдор ҳар бир таблеткада, суппозиторийда ёки миллилитр суюклида қанча миллиграмм дори восита борлигини кўрсатиши керак. Ишлатиладиган қисқартиришлар умумий ва халқаро тарзда қабул қилинган бўлиши шарт: грамм ўрнига г, миллилитр ўрнига мл. Агар сиз қуйидаги маълумотларни рецептга киритсангиз содир бўладиган хато-камчиликлардан холис бўласиз:

#### **Рецепт қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:**

- рецепт ёзган шахснинг Ф.И.Ш., манзили ва телефон рақами
- пациентнинг Ф.И.Ш. манзили ва ёши
- сана
- дорининг номи (генерик номланиши)
- дозировка тури (таблеткалар, капсулалар, микстуранлар ва ҳоказо)
- тавсия этилган дорининг дозаси, қабул қилиш давомийлиги, миқдори ва қабул қилиш усули
- бемор учун тушунарли бўлган йўриқномалар
- фармацевт учун кўшумча йўриқнома ёки маълумотлар
- сизнинг имзонгиз

Рецептларни мантиқий кетма-кетликда ёзиш яхши амалиёт ҳисобланади. Рецепт ёзіб тугатилғандан сүнг сиз рецептни текшириб қўришингиз керак ва бу жараён пайтида қилинган хато-камчиликлар аниқланиши мумкин. Битта рецептта кўп маълумотни киритишга ҳаракат қилманг, бу уни ўқишида ноқулайликларга келтириши мумкин. Кейинги мисолда беморга қайта тавсия қилинган тиазидли диуретик ва калий хлорид бактериал инфекцияни даволаш мақсадида тавсия этилган амоксициллин курси билан биргаликда берилган рецепт келтирилган.

Шифокор Рафиков У.К.  
Регистон кўчаси, 15 уй  
Тел: 2351842

30.05.08.

Асадова Камила  
Титова кўчаси, 47 уй  
Ёши: 38

Rp:  
Гипотиазид таблеткалари 25 мг-дан  
30 таблетка  
Бирта таблеткадан эрталаб қабул қилиш

Rp:  
Калий хлорид таблеткаси 600 мг-дан S/R  
90 таблетка  
Бирта таблеткадан кунига уч маҳал овқатдан сүнг қабул қилиш

Rp:  
Амоксициллин капсулалари 500 мг-дан  
21 капсула  
Бир капсуладан кунига уч маҳал бир ҳафта давомида қабул қилиш

Имзо

#### **4 ҚАДАМ. Пациентга маълумот бериш, уни ўргатиш ва огоҳлантириш**

Хозирги пайтда 50% bemorlarни нотўғри - доимий равища эмас ёки умуман қабул қилмаяптилар. Энг кўп учрайдиган сабаблар қуйидагилар ҳисобланади: симптомларнинг йўқолиши, дорининг ножўя таъсири ривожланиши, bemorlar, тавсия этилган даволашни самарасиз деб ҳисоблаши, дорини қабул қилиш схемаси bemorlar учун ноқулайлиги ва дори воситаларнинг қимматлигидир.

Bemorlarни шифокор томонидан тавсия этилган йўриқномаларга риоя этишини таъминлашнинг учта йўли бор, булар:

- самарали танланган даволашни буюриш;
- шифокор билан bemorni бир-бирини тушунишига эришиш;
- дori бўйича bemorga тегишли maъlumot beriш, уни қабул қилиш тарибига ўргатиш ва ножўя таъсирлари ҳақида bemorni огоҳлантиришга тегишли вақт ажратиш.

Ҳар бир bemorga қўида келтирилган олти пунктдан иборат бўлган maъlumotlarни етказиш лозим:

- 1. Шифокор ДВни таъсир этиш механизми бўйича bemorga maъlumot beriши шарт**
  - Нима учун dorinи қабул қилиш керак
  - Қайси симптомлар йўқолади, қайсилари йўқ
  - DV таъсири қачон бошланади
  - Bemor томонидан dorini нотўғри ёки умумan қабул қilmaganligi natijasida rivожланадиган alomatlar ҳaқiда maъlumot beriш
- 2. Шифокор DVни ножўя таъsirlari ҳaқiда maъlumot beriши шарт**
  - Қанақа ножўя таъsirlari rivожланиши mумkin
  - Ularni қандай aniqlash kерак

- Улар қанча давом этади
- Улар қанчалик жиддий ҳисобланади
- Қандай хатти-харакатлар ўтказиш керак

### **3. Шифокор беморга йўриқномалар бериши шарт**

- Дориларни қандай қабул қилишни
- Уларни қачон қабул қилишни
- Неча кун давомида қабул килиш лозимлигини
- Дорини қандай сақлаш кераклигини
- Ишлатилмаган дориларни нима қилиш кераклигини

### **4. Шифокор беморни огоҳлантириши керак**

- Дорини қачон қабул қиласлик тўғрисида
- Максимал дозаси қанақа бўлишини
- Нима учун даволашнинг тўлиқ курсини қабул қилиш лозимлиги тўғрисида

### **5. Шифокор кейинги маслаҳатлашни ўтказиши шарт**

- Консультацияга қачон келиши кераглигини
- Қайси ҳолатларда эртароқ келиш зарурлиги тўғрисида
- Кейинги консультация пайтигача шифокор учун қандай маълумотларни тайёрлаш кераклигини

### **6. Шифокор ҳамма нарса тушунарлими деб сўраши шарт**

- Бемордан сўранг, ҳамма нарса тушунарли-ми?
- Энг муҳим маълумотларни bemordan қайtаришини сўранг.
- Бемордан сўранг, саволлари борми?

## **5 ҚАДАМ: Даволаш жараёнини назорат қилиш жараёни**

Бундан олдинги бобларда сизларни қандай қилиб мақсадга мувофиқ терапияни танлаш, дорини қандай тўғри қилиб ёзиб бериш ва беморга нима ҳақида маълумот бериш борасида тушунчалар бериб ўтилган эди. Лекин тўғри танланган даволаш курси ҳамиша ҳам беморга ёрдам бермайди. Даволаш жараёнини назорат қилиб бориш жараёнида сиз даволаш нақадар самарали бўлгани ҳақида маълумотга эга бўлишингиз мумкин ва қўшимча тарзда қанақадир харакатларни қилиш кераклиги бўйича фикр юритишингиз мумкин. Шунинг учун сиз bemor билан доимий равища мулокотда бўлишингиз ва даволаш жараёнининг ҳамма босқичларини назорат қилиб боришингиз зарур. Назоратни икки усулда олиб бориш мумкин:

- *ПАССИВ* назорат
- *ФАОЛ* назорат

Пассив назорат, даволаш самарали ва мувофиқ бўлмаса ёки қўпгина ножўя таъсирлари пайдо бўлса нима қилиш лозимлиги бўйича беморга маслаҳат беришни назарда тутади. Бу ҳолларда bemor ўз-ўзини назорат қилиб боради.

Фаол назорат даволаш жараёни самарадорлигини аниклаш мақсадида ўзингиз шахсан назорат қилиб боришингизни назарда тутади. Мониторинг ўтказиш оралиғини ўзингиз касаллик, даволаш давомийлиги ва тавсия этилган дориларнинг максимал миқдорларидан келиб чиқсан ҳолда танлаб олишингиз керак. Аслида даволашнинг бошида оралиқ узоқ эмас, кейинчалик даволаш эҳтиёжига қараб бу оралиqlар узайиши мумкин. Узоқ муддатли медикаментоз даволашда ҳамма беморлар учун уч ойлик муддат етарли ҳисобланади.

Актив назорат остида бўлган bemor ҳам тегишли маълумотга муҳтоj: масалан дори воситасининг таъсир механизми, ножўя таъсирлари, қабул қилиш қоидалари, дори воситани қачон қабул қиласлик ҳақида огоҳлантириш ва кейинги консультацияни ўтказиш борасида маълумот бериш зарур. Назоратнинг асосий мақсади бу тавсия этилган даволаш беморнинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам бердими ёки йўқми.

**Эсда тутинг!** Даволашни танлаш жараёнида самарадорлик, хавфсизлик, қулайлик ва нархи асосий мезонлардан ҳисобланади. Даволаш натижаларини назорат қилиш жараёнида бу мезонларни қўллаш лозим.

Даволаш курси самарадорлигини аниқлашда анамнезни ўрганиш, объектив текшириш ва лаборатор таҳлиллар кўмаклашиши мумкин. Баъзи бир ҳолларда қўшимча текшириш усусларини ўтказиш керак бўлади.

## **6 ҚАДАМ: Самарали даволаш**

**Даволаш жараёнини назорат қилиб бориш (унинг тўхтатилиши?)**

**Даволаш самарали бўлдими?**

<b>A. Ҳа, ва қасалликни даволаш самарали бўлди:</b>	Даволашни тўхтатиш.
<b>Б. Ҳа, лекин даволаш якунига етмади:</b>	Жиддий ножӯя таъсирлари мавжудми? <ul style="list-style-type: none"><li>• Йўқ: даволашни давом эттириш лозим.</li><li>• Ҳа: дори дозасини ёки танланган дори воситани қайтадан кўриб чиқинг.</li></ul>
<b>В. Йўқ, қасаллик тўлиқ даволанмади:</b>	Қадамларингизни қайта кўриб чиқинг: <ul style="list-style-type: none"><li>• Ташҳисни тўғрилигини</li><li>• Даволаш мақсадларининг тўғрилигини</li><li>• Сизнинг П-дорингиз беморга тўғри келадими?</li><li>• Дори восита тўғри берилдими?</li><li>• Беморга тўғри йўриқнома берилдими?</li><li>• Даволаш самарадорлиги тўғри назорат қилиб борилдими?</li></ul>

### **ДВНИ ПЕДИАТРИЯДА ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Болалар «кичкина катталар» эмас ва катталарга дориларни тавсия этиб юрган шифокорларга болаларга дори воситани тавсия этиш жараёни қўшимча муаммоларни туғдиради. Тана вазни ёки тана юзаси асосида дозаларни ҳисоблашга мўлжалланган формулалар катталар дозасининг бир қисми сифатида ҳисоблайди ва ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди, чунки у ўртacha кўрсаткични чиқариб, содир бўлаётган тез ўзгаришларни, яъни гудак/боланинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олмайди.

Биринчидан, сиз даволаётган бола қайси категорияга киришини кўриб чиқинг:

- Чакалок бола (туғилгандан сўнг 28 кунликгача)
- Кичкина гўдак бола (1 – 3 ойлик)
- Гўдак бола (3 ойликдан – 2 ёшгача)
- Бола (2 – 12 ёшлик)

Тезкор ўзгаришларни кўриб чиқинг, жумладан жигар ферментлари қачон ривожланади, буйрак фаолияти қандай ўзгаради ва бошқа физиологик ўзгаришларни пайдо бўлишини аниқлаб олиш даркор. Бунга қўшимча тарзда чақалоқларнинг тез-тез овқатланиши ва ёзилишини ҳам инобатга олиш зарур. Эрта ёшдаги болаларда ҳаётнинг бошқа даврларига нисбатан организмдан дорини мутьадил равишида чиқиб кетиши тана вазнига қараб ўзгариши мумкин ( $\text{мг}/\text{кг}$  асосида). Физиологик етилиш даврида дори воситаларини организмдан чиқиб кетиши камайиб боради. Кўпгина дорилар учун катталар дозалари 12 ёшдан катта бўлган болаларга тўғри келиши мумкин.

Дори воситаларини болани 1 кг вазнига қараб,  $1 \text{ м}^2$  тана юзасига қараб ёки ёшига қараб тавсия этиш мумкин. Беморнинг тана вазни кўрсаткичларидан тана юзаси кўрсаткичларига ўтишни ўз ичига олган маҳсус номограммалар ва жадваллар мавжуд.

Тана вазни (кг)	Тана юзаси ( $\text{м}^2$ )
3,5	0,22
7,0	0,35
10,0	0,45
15,0	0,65
20,0	0,8
25,0	0,95
30,0	1,05
40,0	1,25
50,0	1,5
70,0	1,72

Шуни инобатга олиш лозимки тана вазни ортиқча ёки тана вазни етишмайдиган болаларга ДВни 1 кг вазнга қараб ҳисоблаганды ДВ дозаси күпайыб ёки камайыб кетиши мүмкін. Бундай ҳолларда ДВ 1  $\text{м}^2$  тана юзасига ҳисоблаш мақсадға мувофиқ. Бундан ташқары болалар учун дори восита дозасини ҳисоблаш учун бир нечта эмпирик формулалар бор.

#### Кларк формуласи:

Бола учун доза = катталарга мүлжалланган доза X боланинг тана вазни (кг) / 70;

#### Яңг формуласи:

Бола учун доза = катталарга мүлжалланган доза X боланинг ёши / боланинг ёши + 12.

Лекин бу ДВ дозаларини ҳисоблаш усулларини күллаганды ДВ фармакодинамикаси, сезувчанлиги ва ҳар бир одамнинг индивидуал хусусиятлари инобатга олинмайды. Шунинг учун болаларда ДВни клиник равишда күллаганимизда терапевтик таъсир механизмларини ва ножоя тарсирлар ривожланиши эхтимолини инобатга олган ҳолда амалга оширишимиз керак.

Болани дорини қабул килишга мажбурлаш жуда мушкул бўлиши мүмкін. Боланинг ота-онаси сиздан ёки фармацевтдан микстуранинг таъми бўйича маълумот беришни илтимос қилишлари мүмкін. Баъзи-бир ҳолларда таблеткаларни майдалаш керак ва дорининг аччиқ таъмини асал ёки бирон-бир ширин шарбат орқали йўқ килиш мүмкін. Агарда сиз инъекцияни тавсия қилсангиз (буни бемор бола стационар шароитда шифохонада ётиб даволанганида амалга оширилади), ҳамиша эсингизда бўлсин, болаларнинг мушаклар вазни кам ва инъекцияларни кўп миқдорда кўллаш болага оғриқ келтириши мүмкін. Оғрикни камайтириш мақсадида маҳаллий анестетикдан фойдаланинг, ҲЕЧ ҚАЧОН инъекцияли анестетикни ишлатманг.

### КЕКСА ЁШДАГИ ОДАМЛАР ОРАСИДА ДВНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёш одамларга нисбатан кекса ёшдаги bemорларга тавсия этиладиган ташҳис ва даволаш тизими принципиал тарзда бошқача ёндашувни ўзига талаб этади. Дори воситаларининг таъсир механизми фармакодинамиканинг хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шуни таъкидлаш лозимки, кекса bemорларда фармакодинамиканинг ўзига хос бўлган белгилари мавжуд. Қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- Ошқозон-ичак йўлларидаги структур-функционал ўзгаришлар натижасида ДВларнинг сўрилиши камаяди. Шунинг учун оғиз орқали қабул қилинадиган ДВнинг сўрилиши ёш одамларга қараганда секинроқ ва кам миқдорда бўлади. Ушбу ҳолат мушак орқали юбориладиган препаратларга ҳам тааллукли бўлиб, бунга асосий сабаб ДВларнинг сўрилишининг камайишидир.
- Ёш ўтиши билан буйракнинг экскретор фаолияти, тери қопламлари, жигар ва модда алмашинув циклларининг фаолияти суистлашиши натижасида, ДВларнинг организмдан

чиқарилиши ҳам камайиши мумкин. Қондаги узоқ муддат давом этувчи циркуляция ва жигарнинг дезинтоксикацион фаолиятининг пасайиши натижасида, қабул килинадиган ДВларнинг ва уларнинг метаболитларини кўпайиши кузатилади. Шунинг учун, ДВларнинг қабул килиниши натижасида ривожланадиган интоксикациянинг пайдо бўлиш эҳтимоли вужудга келади.

- Қон томирлар деворлари ва хужайралар мембраналарида ҳам ёшга мос бўлган ўзгаришлар вужудга келади. Оқсили фракцияларида ва липопротеидларда хосил бўладиган ўзгаришлар натижасида ДВлар транспорти ўзгариши, қон томирлар ва хужайралар мембранаси орқали амалга ошириладиган диффузиянинг секинлашиши вужудга келади. Бу омиллар натижасида ДВларнинг адсорбцияси, тарқалиши ва организмдан чиқиши турлича бўлиши кузатилади.
- Кекса ёшдаги беморларда фермент тизимлари фаоллиги сусайган бўлади. Бу ҳолат ДВларнинг таъсир қилиш жараёнига ва уларнинг метаболитларини организмдан чиқиб кетиш фаолиятига таъсир этиши мумкин.

Гериатрик фармакотерапиянинг асосий принципи – бу кекса одамлар ва қарияларда, ёш одамларга нисбатан, ДВларни эҳтиёткорлик билан қўллашни тақозо этади. ДВларни қўллашдан аввал, номедикаментоз воситаларидан фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги фикрларга эътибор қаратиш лозим. Аммо амалга оширишнинг имконияти бўлмаса, қўйидагиларни бажаришни унутмаслик керак:

1. 60 ёшдан юқори бўлган одамларда ўртача 4-та сурункали касалликлар ташҳисланади ва уларни даволаш учун ДВнинг катта захирасини ишлатишга тўғри келади. Лекин, асосий касалликни иложи борича кам ДВларни қўллаган ҳолда даволаш лозим. Полипрагмазия мақсадга мувофиқ эмас.
2. Ёшларга қараганда кекса организмга ДВларнинг ножӯя таъсирлари кўпроқ бўлади. ДВларни қўллаш натижасида кўп ҳолларда ривожланадиган интоксикация кузатилиши ва оғир кечиши мумкин. Кам даражадаги интоксикация ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, даволаш жараёнида беморларнинг овқатланиши ва суюқликлар истеъмол қилиниши назорат остига олинади. Суюқликларни етарли даражада қабул қилиш ва бунга адекват тарзда сийдик ажратиш, дори воситаларини тавсия этилиши бўйича зарур талаблардан бири ҳисобланади.
3. Кекса беморларнинг даволаш принципларидан бирига индивидуал дозани аниқ танлаш киради. Баъзи бир ҳолларда даволашнинг бошлангич даврларида, ДВларни кичик дозалардан бошлаб аста-секинлик билан ошириб бориш керак. Бу усул ДВларнинг ножӯя таъсирига бўлган турғунликни (чидамлиликтини) оширади. Даволаш мақсадлари эришилган вақтдан бошлаб дорининг дозаси тутиб турувчи даражасигача пасайтирилади, одатда бу доза ёшларга буюриладиган дозага нисбатан анча паст. Асосан бу принцип узоқ муддат қўлланиладиган ва етарли даражада токсик бўлган дори воситаларига тааллуқли. Асосан буларга гипотензив, седатив, нейролептик, уйқу чақиравчи, юрак гликозидлари ва наркотик анальгетик ДВлари гурухлари киради.
4. Лекин, юқорида қайд этилган дори гурухларини узоқ муддат давомида қўллаш уларга ўрганишга, дозаларнинг оширилишига ва оқибатда ДВларнинг таъсири натижасида ривожланадиган интоксикацияга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг ривожланишини олдини олиш мақсадида бир дорини иккинчи шунга ўхшаш дорига тез-тез алмаштириш ва иложи борича даволаш жараёнида танаффуслар қилиш зарур. Ушбу мақсадда бир йўналишдаги таъсирга эга бўлган бир нечта дори воситаларнинг кичик дозаларда, лекин бошқа звенолар орқали ишлатилишига кўрсатмалар мавжуд. Бунга яққол мисол сифатида турли фармакологик гурухларга киравчи гипотензив дори воситаларини алмаштириб қўллашни айтиб ўтиш мумкин.
5. Антибиотиклар ва бошқа антибактериал дори воситаларини қўллаш схемалари катта ёшдаги барча беморларга умумий бўлиб, юқорида айтиб ўтилган коидаларга бўйсунмайди.

6. Бошқа беморларда кузатилганидек, кекса беморларда ҳам маълум бир ДВларига орттирилган сезувчанлик оқибатида медикаментоз аллергия юзага келиши мумкин.
7. Охирги вақтларда гериатрик дорилар деб номланган ДВларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тушунчага табиий метаболизмни ушлаб туриш мақсадида ишлатиладиган турли дори гурухлари киритилган. Улар кўпгина модда алмашинуви жараёнларининг бир қисми бўлиб, организмга умумий таъсири этувчи воситалар сифатида тан олинган. Бу воситаларнинг кенг кўламда қўлланиши ва уларнинг минимал ножӯя таъсири ижобий клиник самара бермоқда. Ушбу воситаларни касалликнинг асосий давосида қўшимча тарзда ва профилактик воситалар сифатида ҳам қўлланилади. Бу гурух дори воситаларига витаминалар, микроэлементлар, адаптогенлар, биостимуляторлар, биоактив қўшимчалар киради.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, кекса ёшдаги беморларга дори воситаларини тавсия этиш жараёнида қўйидаги асосий принципларга риоя этиш зарур:

1. Дори воситасини тавсия этиш бўйича эҳтиёжни аниқлаш:
  - кекса одамларда мавжуд бўлган касалликларнинг барчаси ҳам медикаментоз давони талаб қилмайди;
  - даволашни бошлашдан олдин аниқ ташҳисни қўйиш керак;
  - иложи борича дори воситаларини тавсия этишдан чекланиш лозим.
2. Бемор томонидан ДВни қабул қилиш шароитларини синчиклаб аниқлаш:
  - bemor бир нечта шифокорлар томонидан маслаҳатлар ва даволаш муолажаларини олиши мумкин, шунинг учун илгари олинган даволаш бўйича маълумотларни аниқлаш дори воситаларнинг ножӯя таъсиrlарини ривожланмаслигига олиб келади;
  - чекиши, кофе ва алкоголнi истеъмол қилиш дори воситасининг таъсирини кучайишига олиб келади.
3. Тавсия этиладиган дорини таъсири механизмини яхши билиш керак:
  - дори воситаларнинг тарқалишидаги ёшига мос бўлган ўзгаришлар эфтимолини эсдан чиқармаслик зарур;
  - яхши ўрганилган дори воситасини тавсия этиш лозим.
4. Дори воситасининг юкори бўлмаган дозаларидан давони бошлаш керак:
  - кўпгина ҳолларда кекса ёшдаги беморларда стандартли дозалар юкори ҳисобланади;
  - дори воситасининг жигарда бўлган метаболизмига ёшнинг таъсирини олдиндан билиш мушкул, лекин дориларнинг буйрак экскрецияси орқали чикиб кетиши ёш ўтган сайин камаяди;
5. Керакли бўлган самарагагача дозани титрлаш керак:
  - керакли бўлган терапевтик натижани аниқлаш лозим;
  - терапевтик натижага ривожланишига қадар дозани танлаб бориш керак. Агарда бу нарсага эришиш мушкул бўлса максимал терапевтик дозадан фойдаланиш даркор;
  - баъзи ҳолларда терапиянинг комбинацияси самарали ва адекват бўлиши мумкин.
6. Дори воситаларини қабул қилиш тартибини соддалаштириш керак:
  - мураккаб дозалаш тартибларини тавсия этишдан чекланиш лозим, дорини кунига 1-2 марта қабул қилиш энг қулай ҳисобланади;
  - дори воситаларини қабул қилиш борасида беморлар ва уларнинг қариндошларига батафсил маълумотлар бериш;
  - дори воситасини нима мақсадда тавсия этилганлиги ҳақида маълумотлар бериш;
  - дори воситаларини тавсия этилиши бўйича маҳсус қайдларни олиб бориш;
  - дори воситаларини қабул қилиш тартибини кекса ёшдаги беморлар томонидан риоя қилинганлиги ҳақида доимий равишда назорат қилиб бориш.

Шундай қилиб, кекса ёшдаги беморларда ва қарияларда қўлланиладиган ДВлари, биринчи навбатда, ҳар бир ёшдаги гурухнинг хусусиятларини инобатга олиш зарур ва иккинчидан ҳар бир конкрет мисолда дори таъсирини инобатга олиш керак. Бу қоидаларга

риоя этиш даволаш самарадорлигини ва беморлар яшаш сифатини яхшиланишига замин яратади.

## **Ҳомиладорларга мўлжалланган дорилар: хавф ва фойда нисбати**

Ҳомиладор аёллар томонидан қабул қилинадиган ёки уларга тавсия этиладиган тиббий препаратларнинг аксарияти йўлдош орқали ҳомиланинг қон айланиш тизимиға ўтади. Шунинг учун, ҳомиладор аёл ДВсини қабул қилган пайтда у нафақат ўзига, балки ҳали туғилмаган бола организмига ҳам бу дорини киритади. Ҳомиладорлик пайтда дори воситаларни қабул килмаслик мақсадга мувофиқ ҳисобланади, лекин баъзи ҳомиладор аёллар дори воситаларини қабул қилишлари зарур бўлади. ДВлар нафақат аёлнинг саломатлигини сақлаб қолишга, балки ҳомиланинг яхши ривожланишига керак бўлади.

Дори воситасининг эмбрионга таъсир этиши бўйича **зарар келтирадиган критик даврлар** қўйидагилар ҳисобланади:

- **Ургланишдан олдинги давр.** Бу даврда аёл ва эркак томонидан кумулятив хусусиятларига эга бўлган дори воситаларини қабул қилиш хавфли ҳисобланади ва органогенез даврида она организмида бу дориларнинг миқдори конда аниқланади. Масалан, ургланиш давридан олдин ретиноидларни қабул қилган оналардан туғилган болаларда туғма аномалиялар аниқланган;
- **Ургланишдан бошлаб то 11-чи кунгача.** Бу даврда эмбрион ножӯя таъсирларга «ҳамма нарса ёки ҳеч нарса» принципига асосан жавоб беради: у ё нобуд бўлади, ёки ҳеч кандай заарсиз ҳаётини саклаб қолади. Туғма дефектларга юқори чидамлик аниқланиши мумкин;
- **11 кундан З ҳафтагача.** 11 кундан кейин органогенез бошланади, шунинг учун бу давр туғма аномалиялар пайдо бўлиши борасида максимал тарзда хавфли ҳисобланади ва бу даврда дори воситани тавсия этиш мақсадга мувофиқ эмас;
- **4 ҳафтадан 9 ҳафтагача.** Бу даврда дори воситаларнинг таъсири жиддий туғма дефектларга олиб келмаслиги мумкин, лекин мўътадил тарзда ривожланган органлар ва тўқималарнинг фаолиятига зарар етказиши мумкин;
- **9 ҳафтадан то тугруққача.** Бу даврда структур дефектлар одатда ривожланмайди. Метаболик жараёнлар ва постнатал фаолиятнинг бузилиши, ҳамда боланинг хулк-авторида бўлган ўзгаришлар ривожланиши мумкин.

## **ДВнинг ҳомилага бўлган таъсир механизми**

Дориларнинг йўлдошдан ўтиш даражаси уларнинг молекуляр вазни, ёғларда эриши ва экспозиция вақтларига боғлиқ:

- кичик молекуляр вазнга эга бўлган дори воситалар (< 600 г/моль) юқори молекуляр вазнга эга бўлган препаратларга қараганда йўлдош тўсиғидан осонроқ ўтади. 1000 г/моль-дан юқори молекуляр вазнга эга бўлган дори воситалар йўлдош орқали камдан-кам ҳолларда ўтади. Бу препаратларга инсулин ва гепарин киради, уларнинг ҳомиладорлик пайтида қўлланилиши ҳомила учун заарсиз;
- сувда эрийдиган ДВларга қараганда ёғларда эрийдиганлари йўлдош орқали яхширок ўтади. Бу кўрсаткини инобатга олган ҳолда кучли седатив таъсиргага эга бўлган ёғларда эрийдиган дифенгидрамин (димедрол) ўрнига гидрофил лоратадинни тавсия этиш керак;
- йўлдош орқали ўтиш қобилияти қонда препарат миқдорининг ушланиш вақтига боғлиқ бўлади, шунинг учун узок муддатли ярим-чиқиши даврга эга бўлган ёки таъсир қилувчи моддасини аста-секин чиқарадиган дори воситаларнинг ҳомилага таъсири қисқа муддатли таъсир этувчи ва тез метаболизмга эга бўлган дориларга қараганда жуда хавфли ҳисобланади.

## Ҳомиладорлик пайтида хавф гурухларнинг таснифи

Тиббиёт амалиётида FDA (АКШ) томонидан тавсия этилган **ТЕРАТОГЕНЛИК ДАРАЖАСИГА ҚАРАБ ДОРИ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИННИГ СОДДАЛАШГАН ТАЪРИФИ қўлланмокда:**

<b>A категорияси</b>	А – хавф йўқ. Клиникада ҳам тажрибада ҳам ДВнинг тератоген таъсири аниқланмаган (ўтказилган тадқиқотлардан ҳеч бири тўлиқ тератоген таъсирини инкор этмаяптилар).
<b>В категорияси</b>	В («best» – энг яхши) – хавфсиз, хавфи исботланмаган. Бу ДВларнинг тератогенлиги ўтказилган тажрибаларда исботланмаган, лекин клиник маълумотлар йўқ.
<b>Категория С</b>	С («caution» – эҳтиёткорлик) – нисбий равища хавфсиз – хавфи инкор этилмаган. Бу ДВлар ўтказилган тажрибаларда ҳомилага ножўя таъсир қилган, лекин адекват клиник назорат йўқ.
<b>Категория D</b>	D («dangerous» – хавфли) – ҳомила учун исботланган хавф. Бу ДВлар тератоген таъсирга эга, лекин уларнинг қўлланилиши ҳомилага кўрсатадиган заардан юқори. Бу ДВларни ҳаётий кўрсатмалар бўлганидагина тавсия этиш лозим. Ҳомилага таъсир этувчи оқибатлар борасида ҳар бир аёлга маълумот бериш керак.
<b>Категория X</b>	X – ҳомиладорлик пайтида қарши кўрсатмаларга эга. Тажриба ва клиник ҳолатларда тератоген таъсири исботланган ДВлар. Ҳомиладорлик пайтида қўлланишга қарши кўрсатмалар мавжуд.

Агарда ДВнинг номидан кейин иккита ҳарф бўлса, бу ҳомиладорликнинг турли хил даврларида, дорининг ҳар хил зарар етказувчи таъсири мавжудлигидан далолат беради. **Энг юқори тератоген таъсир потенциалига** эга бўлган дори воситаларга қуидагилар киради:

- фенитоин,
- карбамазепин,
- вальпроев кислотаси ва натрий вальпроат,
- литий,
- варфарин,
- ретиноидлар, д
- anzol

Ҳомиладор аёлларга дори воситаларни тавсия этиш пайтида **куйидаги келтирилган тавсияларга** риоя этиш зарур:

- дори воситаларни қўллаш натижасида пайдо бўлган **фойда ва заарларини** инобатга олиш зарур (иккала ҳолда ҳам она ва ҳомилага қўллаган пайтларда);
- **ҳомиладорликнинг биринчи триместрида** иложи борича дори воситаларини қўллашдан чекланиш лозим;
- дори воситаларининг **комбинациясини** ва бирданига бир неча дори восталарини қўлламаслик зарур;
- **минимал вақт давомида минимал самарадор дозани** ишлатиш керак (ҳомиладор аёлларда мавжуд бўлган фармакокинетикани инобатга олган ҳолда бу доза ўртача терапевтик дозадан юқори бўлиши мумкин);
- агар имконият бўлса **маҳалий дори воситаларга** эътиборни қаратиш керак;
- ўзини ўзи даволаш мақсадида ишлатиладиган дориларнинг (анальгетиклар, витаминлар, биологик актив қўшимчалар, ўсимлик препаратлари ва бошқалар) ҳар бири борасида **шифокордан маслаҳатлар олиш** зарурлиги бўйича ҳомиладор аёлларга маълумот бериш керак;

- ҳомиладор аёл томонидан қабул килинадиган **дори воситаларнинг ҳаммасини** назорат остига олиш керак;
- дори воситалар билан даво ўтказиш даврида она ва ҳомилани назорат остига олиш мақсадга мувофик.

**Хавф даражалариға қараб айрим дори воситаларнинг тарқалиши  
анальгетиклар, иситма туширадиган ва ностероид  
яллигланишга қарши ишлатиладиган ДВлар (НЯКДВ)**

Зарурият туғилганда, имкон қадар анальгетиклар минимал дозада ва энг қисқа муддат ичиде тавсия этилиши лозим. Оддий анальгетикларга кўпроқ эътиборни қаратиш керак. Агар ҳомиладорлик вақтида анальгетикка эҳтиёж туғилса, парацетамолни танлаш мақсадга мувофиқ. Ацетилсалцил кислотани тавсия этишдан чекланиш даркор. Аспиринни доимий равишда юқори дозада қабул килиниши натижасида ҳомиладорликнинг муддати узайиши, ҳомилага зарар етиши ёки йўлдошнинг фаолияти пасайиши натижасида ҳомилани нобуд бўлиши кузатилади. Аспирин онада бўлган тромбоцитларнинг фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади ва туғрукдан олдинги ва кейинги ривожланадиган қон кетишларга сабаб бўлиши мумкин. НЯКДВ ҳомилада бўлган артериал найнинг муддатдан олдин ёпилишига, бачадон мушаклари қисқаришининг бузилиши натижасида туғрук жараёнининг сусайишига олиб келиши мумкин. Ҳомиладорликнинг охирги уч ойида индометацин, ибупрофен ва напроксен каби дори воситаларини тавсия этишдан чекланиш лозим.

Агар туғрук пайтида оғриқни олиш мақсадида наркотик анальгетикларни кўлласак гўдаклардаги бош мия ва нафас олиш фаолиятига зарар етказиш мумкин. Кодеин ёки морфинни доимий равишда ишлатилса, янги туғилган чақалоқларда жиддий ножӯя таъсирларига олиб келиши мумкин.

- В: парацетамол; преднизолон;
- BD: ибупрофен; индометацин;
- С: бетаметазон; дексаметазон;
- CD: аспирин.

**Антибактериал препаратлар**

Ҳомиладорлик пайтида ривожланадиган кўпгина инфекцияларга қарши ишлатиладиган антибиотиклардан пенициллинлар ва цефалоспоринлар ҳисобланади.

- Аминогликозидлар:** учинчи триместрида хавфсиз ҳисобланади, иккинчи триместрида эшитиш органининг заарланиш хавфи ошади; энг хавфсиз дори воситадан гентамицин ҳисобланади;
- Цефалоспоринлар:** ҳамма триместрларда хавфсиз ҳисобланади, лекин цефамандол, моксалактам, цефотетан ва цефоперазонни тавсия этишдан чекланиш зарур;
- Хлорамфеникол:** биринчи ва иккинчи триместрида қабул килиш хавфсиз, лекин «кулранг гўдак» синдромини чақириши мумкин;
- Эритромицин:** ҳамма триместрида қабул қилиш хавфсиз, лекин эритромицин эстолатни тавсия этишдан чекланиш керак, чунки бу препарат онада гепатит касаллигини ривожланишига олиб келади. Макролидлар қолган препаратларининг ҳомиладорликка таъсири яхши ўрганилмаган.
- Изониазид:** ҳомиладорликнинг ҳамма триместрларида тавсия этиш хавфли бўлсада, туберкулезга қарши ҳомиладорлик даврида энг хавфсиз ДВси бўлиб ҳисобланади, профилактика мақсадида эҳтиёткорлик билан тавсия этиш лозим, чунки гепатит касаллигининг белгилари ривожланиши мумкин; ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар натижасида унинг эмбриоцит таъсири аниқланган.
- Пенициллинлар:** ҳамма триместрида қабул қилиш хавфсиз ҳисобланади, клавулан кислотаси билан комбинация қилинган вақтида токсик таъсири аниқланмаган.

7. **Хинолонлар:** бирон-бир триместр хавфсиз ҳисобланмайди, вояга етмаган ҳайвонларда ишлатиш пайтида бўғимлар касалликлари ривожланиши кузатилган; налидикс кислотасини ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи триместрида ишлатиш хавфсиз ҳисобланади, лекин тутгурк даврида бу дори воситаси тавсия этилмайди.
8. **Сульфаниламиидлар:** энг хавфсиз иккинчи триместр ҳисобланади, биринчи триместрида антифолат таъсиrlари ривожланиши мумкин; учинчи триместрида ўт пигменти (билирубин)нинг таъсири остида бош мия заарланиш хавфи ривожланиши кузатилади.
9. **Тетрациклиналар:** бирон-бир триместр хавфсиз ҳисобланмайди, она учун жигар, ошқозон ости бези ва буйрак касалликларининг ривожланиш хавфи кузатилади; ҳомила учун тишлар рангининг ўзгариши, суяк тўқималарининг аномал тарзда ривожланиши, суякларнинг ўсишдан қолиш хавфи ривожланиши мумкин.
10. **Триметоприм:** биринчи ва учинчи триместрида хавфсиз ҳисобланади, фолатларнинг антагонисти.
11. **Метронидазол** ҳомиладорликнинг эрта даврларида тавсия этилмайди, чунки ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотларда рак касаллигининг ривожланиш хавфи бўлган, умуман олганда ҳомиладорликнинг охирги олти ойларида қўллаш хавфсиз ҳисобланади.
- В: амоксициллин; амфотерицин; бензилпенициллин; карбенициллин; кефзол; клафоран; клиндамицин; клотrimазол; линкомицин; нистатин, ампициллин; полимиксин; эритромицин;
- BD: сульфометоксазол;
- С: амикацин; гентамицин; гризофульвин; левомицетин; метронидазол; олеандомицин; рифампицин; триметоприм; фуразолидон;
- D: дактиномицин; доксициклин; канамицин; тетрациклин; ципрофлоксацин; стрептомицин.

### **Вирусларга қарши ишлатиладиган ДВлари**

Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда терапевтик дозаларга эквивалент бўлган ацикловирни тавсия этиш жараёнида унинг тератоген таъсири аниқланмаган. Аммо ҳомиладорликнинг ўрта даврларида бўлган каламушларда уларнинг ҳомилаларида кўз ва калла суякларида нуқсонлар кузатилган. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, оғир турдаги герпетик инфекцияни даволаш жараёнида бу дориларни қўллашнинг зарари фойдадан кўпроқ бўлади.(нистатин, амфотерицин Б, флуцитозин, гризофульвин, кетоконазол).

### **Юрак-қон томирлар касалликларида ишлатиладиган препаратлар**

Бу гурухга кирувчи аксари дори воситаларининг муаммолар келтириши хақида маълумотлар йўқ.

- В: метилдопа, дигоксин;
- С: верапамил; диакарб, нифедипин, каптоприл, пропранолол, изоптин; нитроглицерин; нитронг;
- D: верошпирон; гипотиазид; резерпин.

### **Ошқозон ва ичаклардаги бузилишларда қўлланиладиган ДВлар**

- В: циметидин, метоклопрамид, сульфасалацин;
- С: имодиум, алюминий гидроксиди, атропин, кодеин, гидрокортизон – ректал ишлатиш учун, магний гидроксиди, регидратация мақсадида ишлатиладиган перорал тузлар, сенна ва бошқалар.

### **Тумов ва йўталга қарши ишлатиладиган ДВлар**

Углеводлар алмашинуви ва қон томирларида ривожланган ўзгаришлар хақида баъзи бир аёллар шубҳа қилмайдилар. Кўп ҳолларда бурун шиллик қаватининг шиши

шамоллашга боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиши мумкин, бу ҳолат қон томирлар кенгайиши натижасида вужудга келади. Бурун шиллиқ қаватини тозалайдиган дори воситаларини фақат маҳсус йўриқнома асосида қўллаш мумкин. Нафтизин кўпгина ҳолларда маҳаллий таъсир этади, камгина миқдорда қонга тушади, ҳомилага заарли таъсир этмайди ва ҳомиладорлик пайтида ишлатилишига қарши кўрсатмалар мавжуд эмас. Кўпгина йўталга қарши ишлатиладиган дори воситаларнинг таркибида йод бор. Йод таркибида мавжуд бўлган дори воситаларни ҳомиладорлик пайтида ишлатишга қарши кўрсатмалар бор. Карбоцистеин таркибида мавжуд бўлган балғам ажратувчи воситалар ҳомилага таъсири йўқ, лекин морфин таркибида бўлган йўталга қарши ишлатиладиган дориларни қўллаш мумкин эмас.

### **Психотроп ДВлар**

Ҳомиладорлик вақтида аёл ҳаяжонланиш ҳисси, уйқучанлик ва депрессия ҳолатига тушиши мумкин. Иложи борича бу симптомларни даволашда бу дори воситаларини қўллашдан сақланиш лозим. Бўлажак чакалоққа ҳеч қандай таъсирга эга бўлмаган седатив дори восита мавжуд эмаслиги аниқланган. Агар ҳомиладор аёллар барбитуратлар ва бензодиазепинларни қўллаган пайтларда «куён лаби» ва қаттиқ танглайнинг битмай қолиши каби туғма нуқсонлар пайдо бўлиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу каби препаратларни узоқ вақт давомида қабул қилинса абстиненция симптомларини пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ҳомиладорликнинг кечки даврларида бош миянинг ҳужайралари ривожланадиган пайтда психотроп препаратларнинг ишлатилиши нейромедиаторлар фаолиятига таъсир этиши мумкин ва бу таъсир кейинчалик функционал бузилишлар ва боланинг хулк-атворида бўлган муаммоларга олиб келиши мумкин.

- С: амитриптилин, хлорпромазин, флуфеназин, галоперидол; дроперидол;
- D: бромидлар; диазепам; мепробамат, литий карбонати.

### **Витаминалар ва минерал моддалар**

Мазкур дори воситаларни тавсия этиш жараёнида дозани оширишдан чекланиш керак (мегадоза). Ёғларда эрувчи витаминаларнинг (эргоқальциферол ва ретинол) ортиқча миқдори организмда тўпланиш қобилиятига эга бўлиб, туғма нуқсонларга олиб келиши мумкин. Ҳаддан ортиқ дозаларда тавсия этилган йод ҳомиланинг қалқонсимон без фаолиятини сусяйтириши ва бўқоқ касаллигига сабаб бўлиши исботланган.

- В: пиридоксин, тиамин;
- С: рибофлавин, натрий флуориди;
- D: аскорбин кислотаси, кальций глюконат – парентерал, эргоқальциферол, никотинамид, ретинол – овқатланиш рациони нормаси билан боғланган ҳолда;
- X: йод, ретинол – катта дозаларда ишлатилганда.

### **Сурункали ҳолатларда ДВни ишлатиши**

**Астма** билан касалланган ҳомиладор аёллар кўп ҳолларда кортикостероидларни қабул қиласидилар. Ҳайвонларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу ДВларнинг тератоген таъсири аниқланган эди, лекин бу таъсир одамларда унчалик ривожланмаган бўлиб, бу ДВларни ҳомиладорлик пайтида қўлланилиши, тавсия этиш пайтида бериладиган дозаларга боғлиқ. Иложи борича ҳомиладорликнинг эрта даврларида кортикостероидларни қўлламаслик зарур, лекин бошқа вақтларда бу дориларнинг минимал самарадор дозаларини тавсия этиш керак. Симпатомиметиклар (норадреналин, аминофиллин) ҳомилага зарар етказиши мумкин, бета-адреностимуляторларни эса (сальбутамол) ҳомиладорликнинг кечки даврларида қўллаш мумкин эмас. Умуман олганда астмага қарши ишлатиладиган дори воситаларни минимал дозада қўлласак она ва ҳомилага зарар етказмаган бўламиз.

- В: Cromoglicic acid;

- С: аминофиллин, беклометазон, кодеин, эфедрин, эpineфрин, сальбутамол.

**Тутқаноқ** касаллигига чалинган беморлар талvasага қарши дориларга мұхтож бўладилар. Кўпгина тутқаноққа қарши қўлланиладиган ДВнинг аксарияти тератоген таъсирига эга. Энг кўп хавф-хатарлар вальпроатлар ва карбамазепинда аниқланган ва улар умуртқа погонасида нуксонлар ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлади. Фенитоин ва фенобарбитал хавфсизлар қаторига киради. Умуман олганда талvasага қарши қўлланиладиган терапияни ўтказиш лозим, хавф омилларини камайтириш мақсадида битта дорини ишлатиш керак, уларнинг комбинациясини ишлатиш тўғри келмайди. Шуни эсда тутиш лозимки, тутқаноқ хуружлари, талvasага қарши дори воситаларини қўллашга нисбатан, она ва болага жуда катта хавф туғдиради.

- D: этосуксимид;
- X: карбамазепин, диазепам – парентерал, фенобарбитал, фенитоин, вальпроев кислотаси.

Перорал қанд миқдорини камайтирадиган ДВларнинг ҳомилага салбий таъсир этиши борасида етарли даражада исботлар мавжуд эмас, лекин улар чақалоқларда гипогликемияни чақириши мумкин. Парҳез билан назорат қилиб бўлмайдиган ҳомиладор аёллар – диабетикларга **инсулин** тавсия этиш керак.

### **Лактация даврида ДВ-ни тавсия этиш хусусиятлари**

Эмизадиган аёл томонидан қабул қилиниладиган дори воситаларнинг барчаси она сути билан ажратилади. Дори воситасининг она сутига киришига таъсир қилувчи омиллар: кўкрак безларидаги қон айланиши, дори воситаларнинг метаболизми, уларнинг молекуляр вазни, ионизация даражаси, сув ва ёғларда эрувчанлиги, она сутидаги оқсилининг плазма билан боғланиш даражаси, Бундан ташқари, бола қон плазмасида бўлган дори воситанинг миқдори эмизишнинг вақти, такрорийлиги, давомийлиги, истеъмол қилган сут миқдори ва бола организмининг ДВни метаболизм қилиш хусусиятларига боғлиқдир. Бунда болада мавжуд бўлган ферментлар тизимининг ривожланмаганлиги чақалоқ организмидан ДВ-ни ярим чиқариш даврини, онасига қараганда анча узайтиради.

**Кўкрак сути билан эмизиш вақтида ДВни қўллаш мумкин эмас**, чунки бу жиддий ножўя таъсирларга олиб келиши мумкин. Кўкрак сути билан эмизиш вақтида қўлланилиши мумкин бўлмаган дори воситаларга цiproфлоксацин (артропатиялар), левомицетин (сүяк илики фаолиятини сусайиши), радиоактив йод (қалқонсимон бези деструкцияси), олтин препаратлари (тошмалар, нефрит, гепатит), литий тузлари, циклофосфамид (нейтропения), таркибида йод сакловчи препаратлар, амиодарон (калқонсимон безнинг заарланиши), андрогенлар, эрготомин (қайд қилиш, диарея), ич ҳайдовчи дорилар (диарея), индометацин, тетрациклинылар, тўғридан-тўғри таъсирга эга бўлмаган кўпгина антикоагулянтлар, эстрогенлар юқори дозада, ўсмаларга қарши ишлатиладиган препаратлар, атропин, ретинол ацетат, эргокальциферол катта дозаларда ва ҳоказолар киради.

### **1 жадвал. Аёлларда лактация даврида қўлланилиши мумкин бўлмаган ДВ**

Дорилар	Ножўя таъсирлари
Алкогол	Бош айланиши, ўсишдан орқада қолиш, Кушинг синдроми, сут ишлаб чиқаришнинг пасайиши.
Амфетаминалар	Бетокатлик, уйқунинг бузилиши.
Бромокриптин	Лактациянинг бузилиши

Левомицетин	Гемопоэзниинг бузилиши, кўнгил айниши, анорексия.
Циметидин	Боланинг ошқозонида ишқорлик мувозанатини бузилиши, дорилар алмашинувининг бузилиши, марказий нерв тизимининг стимуляцияси.
Кокаин	Талvasалар, хулқ-атворнинг бузилиши, дорини бекор қилиш синдроми.
Циклофосфамид	Иммунитетнинг бузилиши
Циклоспорин	Яширин нефротоксик таъсири
Доксорубицин	Кардиотоксик таъсири ва суяқ илики фаолиятининг бузилиши.
Эрготамин	Кўнгил айниши, қайд қилиш, талvasалар, лактациянинг бузилиши.
Олтин тузлари	Тошмалар, буйрак ва жигарда мавжуд бўлган яллиғланиш белгилари.
Героин	Чақалокларда наркотик боғлиқлиқни риволаниши.
Йод – 125	Қалқонсимон бези фаолиятининг бузилиши.
Йод – 121	Қалқонсимон бези раки ривожланиш хавфининг ошиши.
Изотретиноин	Ўсмалар ривожланиши.
Литий	Марказий нерв тизими фаолиятининг бузилиши, юрак-қон томирлар тизимидағи бузилишлар.
Метотрексат	Иммунитетнинг бузилиши.
Метимазол	Қалқонсимон без фаолиятининг сусайиши, пропилтиоурацилни альтернатив восита сифатида қўллаш.
Метадон	Дорини истеъмол қилишни бирдан бекор қилиш пайтида – опиатнинг бекор қилиш синдромининг ривожланиши.
Морфин	Дорига ўрганиб қолиш.
Фенциклидин	Геморрагиялар
Галлий	Суяқ илики фаолиятининг секинлашиши.
Салицилатлар	Метаболик ацидоз, тошмалар; альтернатива сифатида парацетамолни қўллаш тавсия этилади.
Тинидазол	Онанинг кўкрак сути ва қон плазмаси таркибидаги дорининг микдорн тенг, натижада мутаген ва канцероген таъсири ривожланиши мумкин.
Метронизадол	Онанинг кўкрак сути ва қон плазмаси таркибидаги дорининг микдорн тенг, натижада мутаген ва канцероген таъсири ривожланиши мумкин.

**Кўллашга нисбий қарши кўрсатмалар ёки эҳтиёткорлик билан ишлатиш зарур бўлган ДВи.** Кўкрак сути билан эмизадиган даврда ДВни кўллашга расмий равища чекланишлар ўрнатилмаган. Кўкрак сути билан эмизадиган даврда ДВни қўллаш бўйича илмий маълумотлар йўқ ёки улар бир-бирини инкор қиласидиган. Даволаниш жараёнида болани кўкрак сути билан эмизмаслик мақсаддага мувофиқ. Агар бундай имконият бўлмаса, кўкрак сути билан эмизиш даврида ДВ жиддий кўрсатмаларга асосан қабул қилиниши

лозим. Албатта танланган ДВ ишлатишда унинг фойдаси билан гўдакга етказиладиган зарар дигырдат билан тавъюсланиши керак. Бу ДВга қўйидагилар киради: аминохинолинлар, аминогликозидлар, ко-тримоксазол, этамбутол, метронидазол, изониазид, левамизол, сульфаниламилар, налидикс кислотаси, новокаинамид, хинидин, клофелин, диуретиклар, антидепрессантлар (моноаминооксидаза ингибиторлари), барбитуратлар, бензодиазепинлар, галоперидол, фенотиазин, глюкокортикоидлар, глюкоза микдорини камайтирадиган ичадиган дорилар, антигистамин дорилар, перорал бронхолитиклар, теофиллин, эргометрин, Н2-гистамин рецепторларининг блокаторлари, сульфасалазин.

Антибиотикларни тавсия этиш фақат жиддий кўрсатмалар бўлгандагина амалга ошириш зарур, албатта, инфекциянинг жиддий оқибатларга олиб келиш хавфи борлигига асосланган ҳолда («*Prius quamin cipias, consulto opusest*» – «Бошлашдан олдин, ўйлаб кўр», лат.).

## 2 жадвал. Лактация даврида ишлатишда эҳтиёткорлик талаб қилинадиган ДВ

<b>Дорилар</b>	<b>Ножўя таъсиrlари</b>
Амантадин	Диурезнинг камайиши, кўнгил айниш, терида тошмалар пайдо бўлиши
Аминогликозидлар	Ототоксик таъсиr кўрсатиши.
Таркибида алюминий бўлган антацидлар	Ривожланишдан орқада қолиш.
Антикоагулянтлар	Цефалогематома, қон кетиш хавфининг кучайиши.
Атропин	Лактациянинг сусайиши, антихолинергик таъсиrlар, уйқучанлик, нафас олишнинг бузилиши.
Бутамид	Гипогликемия, олигурия.
Глюкокортикоидлар	Буйрак усти безларнинг гипоплазияси, модда алмашинувининг бузилиши, билирубин энцефалопатия ривожланиш хавфининг ошиши.
Диазепам	Седатив таъсиr, болалар организмida тўпланиб қолиши, марказий нерв тизими фаолиятининг ва нафас олишнинг бузилиши, тана вазнининг камайиши.
Доксепин	Тери қопламларининг оқимтирилиги, қайта жавоб бериш реакцияларининг йўқолиши.
Изониазид	Пиридоксин (витамин В6) етишмовчилигининг ривожланиши.
Индометацин	Талvasалар
Магний сульфат	Диарея, қувватсизлик, нафас олиш фаолиятини назорат килиб борувчи марказ ишлашининг тўхтаб қолиши.
Метотрексат	Иммунитетнинг сусайиши
Метронидазол	Иштаҳанинг пасайиши, қайд қилиш.
Налидикс кислотаси	Гемолитик камқонлик.

Наркотик аналгетиклар	Нафас олишнинг бузилиши.
Нитрофурантойн	Глюкозо-6-фосфат дегидрогеназа етишмовчилиги бўлган болаларда гемолиз аломатлари
Новобиоцин	Гипербилирубинемия
Орал контрацептивлар	Кўкрак безининг катталашиши, Кўкрак сутининг ишлаб чиқарилиши ва унда оқсил микдорининг камайиши, феминизация, тана вазнининг камайиши.
Преднизон	Ўсишдан орқада қолиш, буйрак усти безлари фаолиятининг бузилиши.
Резерпин	Бурундаги шиллиқ қаватнинг шиши, нафас олиш ва марказий нерв тизими фаолиятларининг бузилиши (уйқучанлик, дармонсизлик).
Салицилатлар (узок муддатда ишлатилганда)	Қон кетишлар, нафас олиш фаолиятининг бузилиши, ацидоз.
Сульфаниламидлар	Кўз олмасининг рангпарлиги, аллергик реакциялар, чақалоқларнинг сарғайиши, билирубин энцефалопатия ривожланиш хавфини ошиши, метгемоглобиннинг ҳосил бўлиши (айниқса глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа етишмовчилиги мавжуд бўлган болаларда).
Теофиллин	Бетоқатлик, уйқунинг бузилиши, қўзғалувчанлик, тахикардия.
Тетрациклиналар	Тишлар ва суяқ тўқимаси ривожланишининг бўзилиши, дисбактериоз.
Толбутамид	Сариклик, гипогликемия
Триметоприм	Камқонликлар, ошқозон-ичак тракти фаолиятининг бузилиши.
Фенитоин	Метгемоглобинемия
Фенобарбитал	Седатив таъсир, қайта жавоб бериш реакциясининг пасайиши, метгемоглобинемия, сўргич рефлексининг сусайиши.
Хлорамфеникол	Гемопоэзнинг бузилиши, камқонлик, гипотрофия, дисбактериоз.
Хлорпромазин	Бош айланиши, летаргия, ўғил болаларда гинекомастия, қиз болаларда галакторея.
Циметидин	Пролактин ишлаб чиқаришнинг кучайиши, Кўкрак безининг катталашиши.
Эстрогенлар	Феминизация
Этанол	Марказий нерв тизими ва нафас олиш фаолиятларининг бузилиши, гипогликемия (талвасалар бўлиши мумкин), қон ивишининг пасайиши.

*Дорини қўллаш мумкин, қачонки у она кўкрак сутига ўтмайди ёки гўдак боланинг ошқозон-ичак трактидан сўрилмайди. Бу ДВ қуйидагилар киради: ибупрофен, напроксен, мефенам кислотаси, парацетамол, салицилатлар\*, замбуруғларга қарши ишлатиладиган антибиотиклар, цефалоспоринлар, макролидлар, метронидазол\*, пенициллинлар, рифампицин, нитрофурантойн, дигоксин, гепарин, гидралазин, метилдопа, гуанетидин, бензодиазепинлар\*, галоперидол\*, фенотиазинлар\*, барбитуратлар\*, глюокортикоидлар\*, эстрогенлар, тиоурацил, левотироксин, инсулин, прогестерон, антацидлар, бисакодил, сена препаратлари, каолинлар, ингаляцион бронхолитиклар, балғам чиқарувчи воситалар (таркибида йод бўлгани ҳам), кодеин, кромоглицив кислотаси, темир препаратлар, ретинола ацетат\*, эргокальциферол\*, В гурухига киравчи витамин препаратлар, аскорбин кислотаси. \*- кичик дозаларда.*


Бундаш ташқари, шуни эсда тутиш лозимки, баъзи бир дори воситалар **кўкрак сути секрециясига таъсир кўрсатадилар**. Баъзи бирлари уни кучайтириши ва баъзи бирлари сусайтириши мумкин.

З жадвал. Кўкрак сути секрециясига таъсир этувчи ДВ

Секрецияни кучайтирадиган	Секрецияни сусайтирадиган
Окситоцин	Эстрогенлар
Питуитрин	Прогестерон
Никотин кислотаси	Леводопа
Аскорбин кислотаси	Перорал контрацептивлар
Глутамин кислотаси	Бромокриптин
Тиамин	Эфедрин
Пиридоксин	Фуросемид
Пирроксан	Эpineфрин
Церукал	Этанол
Токоферол	Эргокриптин
Теофиллин	
Допегит	

### Амалиётда баъзи бир ДВ ишлатиш техникаси КЎЗ ТОМЧИЛАРИ

1. Кўлларингизни ювинг.
2. Пипетканинг учига қўл теккизманг.
3. Юқорига қаранг.
4. «Каналча» пайдо бўлишига қадар пастки қовоқни тортинг.
5. Пипеткани «каналчага» имкон даражада яқинрок келтиринг, лекин кўзга теккизманг.
6. Каналчага лозим бўлган томчилар сонини томизинг.
7. Икки дақиқага кўзингизни ёпинг. Кўзингизни жуда қаттиқ қисманг.
8. Суюқликни зиёд қисми мато билан артиб олинади.
9. Агар кўзга икки хил кўз томчиларни томизиш лозим бўлса, дорини томизишдан олдин беш дақиқа қараб туриш керак.
10. Кўз томчиларни томизган пайтда кўзда ачишиш пайдо бўлиши мумкин, лекин бу ҳолат бир неча дақиқадан сўнг ўтиб кетиши керак. Агарда кўздаги ачишиш



узоқ вақт давом этса шифокор билан маслаҳатлашинг.

4 ва 5 пунктлар


### КҮЗ ТОМЧИЛАРНИ БОЛАЛАРДА ИШЛАТИШ ТЕХНИКАСИ

1. Болани орқаси билан ётқизинг: боши түғри ётиши керак.
2. Боланинг кўзлари очик ҳолда бўлиши зарур.
3. Кўзнинг бурчакига тавсия этилган томчилар сонини томизинг.
4. Дорининг ортиқча миқдорининг артиб ташланг.

Болани бошини бир неча дақиқа давомида түғри бўлишига ҳаракат қилинг.


### КЎЗ МАЛҲАМИНИ ИШЛАТИШ ТЕХНИКАСИ

1. Қўлларингизни ювинг.
2. Тюбикнинг чети билан ҳеч нарсага тегманг.
3. Бошини орқага ташланг.
4. Тюбикни бир қўлингизга олиб, иккинчи қўлингиз билан «каналча» хосил бўлгунича пастки қовоқни тортинг.
5. Тюбикни «каналчага» имкон даражада яқинроқ келтиринг.
6. Малҳамни тавсия этилган миқдорини кўйинг.
7. Икки дақиқага кўзингизни ёпинг.
8. Малҳамни ортиқча миқдорини мато билан артиб олинг.
9. Тюбикнинг учини бошқа бир мато билан артинг.



4 ва 5 пунктлар

### ҚУЛОҚ ТОМЧИЛАРИ




\* Агар bemorda ташқи отит белгилари мавжуд бўлса ташқи қулоқ йўлига турунда киритиш керак.


### БУРУНГА ИШЛАТИЛАДИГАН ТОМЧИЛАР

1. Бурунни тозалаб олинг.

- Бошингизни орқага ташлаган ҳолда ўтириング ёки ёстиқни орқага қўйган ҳолда ётинг, бошингизни тўғри ушланг.
- Бурун қанотига пипеткани бир сантиметрга киритинг.
- Тавсия этилгар томчилар миқдорини томизинг.
- Бундан сўнг тезда бошингизни тиззалар оралиғига эгинг.
- Бир неча сониядан сўнг бошингизни кўтаринг; томчилар халқумга оқиб кетади.
- Керак бўлган пайтда муолажани иккинчи бурун қанотига ҳам қўллаш мумкин.
- Пипеткани иссиқ сув билан ювиб ташланг.




2 ва 3 пунктлар




5 пункт

### **БУРУНГА АЭРОЗОЛЬНИ ҚЎЛЛАШ**

- Бурунни тозалаб олинг.
- Бошингизни орқага ташлаган ҳолда ўтириング.
- Аэрозолни чайқанг.
- Пуркагични бурун қанотига киритинг.
- Иккинчи бурун қанотининг ёпинг.
- Флаконни босган ва бироз ўзингиз томонга тортган ҳолда дорини пурканг.
- Флаконнинг бир томонини бурун қанотидан чиқаринг ва бошингизни тиззалар оралиғига эгинг.
- Бир неча сониядан сўнг танангизни тик тутинг, спрей халқумга оқиб кетади.
- Оғиз орқали нафас олинг.
- Агар зарурият туғилса, муолажани бошқа бурун қаноти билан такрорланг.
- Қайноқ сув билан флакон четини чайқанг.




4 ва 5 пунктлар




7 пункт

### АЭРОЗОЛНИ ИШЛАТИШ ТАРТИБИ

1. Иложи борича балғамни йўтал орқали чиқаришга ҳаракат қилинг.
2. Ишлатишдан олдин аэрозолни чайқанг.
3. Йўриқномада кўрсатилган тарзда аэрозолни ушланг.
4. Пуркагични лабингиз билан қаттиқ қисинг.
5. Бошингизни бироз орқага ташланг.
6. Иложи борича аста-секин нафас чиқаринг, бу ўпканинг ҳаводан бҳшалишига ёрдам беради.
7. Чуқур нафас олинг, аэрозолни «активлаштиринг», тилингизни пастга босинг.
8. 10-15 сония давомида нафас олманг.
9. Бурун орқали нафас чиқаринг.
10. Оғзингизни илиқ сув билан чайқанг.



4 ва 5 пунктлар




8 пункт


### КАПСУЛА БИЛАН ИНГАЛЯТОРНИ ИШЛАТИШ ТАРТИБИ

1. Иложи борича балғамни йўтал орқали чиқаришга ҳаракат қилинг.

- Йўриқномага қараб капсулани ингаляторга солинг.
- Аста-секин нафасни чиқаринг, ўпкада иложи борича камроқ ҳаво қолсин.
- Ингаляторнинг ён қисмини лабингиз билан қаттиқ ўраб олинг.
- Бошингизни бироз орқага ташланг.
- Ингалятор орқали чукур нафас олинг.
- 10-15 сония давомида нафас олманг.
- Бурун орқали нафас чиқаринг.
- Оғзингизни илиқ сув билан чайқанг




4 пункт



5 пункт

### СУППОЗИТОРИЙЛАРНИ ИШЛАТИШ ТАРТИБИ


- Қўлларингизни ювинг.
- Ўрамини олиб ташланг.
- Агар суппозиторий ҳаддан ортиқ юмшоқ бўлса совутиш учун қўйинг.
- Шамчани тозалаб кўлингизда иситинг.
- Суппозиторийни совуқ сувда хўлланг.
- Ёнбош ётинг, оёғингизни тизза соҳасида букинг.
- Аста-секинлик билан суппозиторийни юмалоқ чети билан анал соҳага киритинг.
- Бир неча дақиқа давомида ётинг.
- Бир соат давомида зўриқишдан четланинг.




6 пункт

## ҚИН МАЛҲАМЛАРИ, КРЕМЛАРИ ВА ГЕЛЛАРИНИ ИШЛАТИШ ТАРТИБИ

1. Қўлларингизни ювинг.
2. Таркибида ДВси бўлган тюбик қопқоғини ечинг.
3. Аплликаторни тюбикга уланг.
4. Тюбикдан аппликаторга тегишли бўлган ДВни сиқиб чиқаринг.
5. Аппликаторни тюбикдан ечинг (цилиндрни ушлаган ҳолда).
6. Аппликаторни керакли томонига бироз кремдан сурканг.
7. Орқангиз билан ётинг, оёқларингизни тиззада букинг ва икки томонга ёйинг.
8. Аста секинлик билан иложи борича чуқурроқ аппликаторни қинга киритинг, куч ишлатманг.
9. Бир қўл билан цилиндрни ушлаган ҳолда, иккинчи қўлингиз билан поршенни босинг ва ДВни қинга юборинг.
10. Аппликаторни қиндан олиб ташланг.
11. Агар аппликатор бир марта ишлатишга мўлжалланган бўлса уни ташланг, агар аппликатор кўп марта ишлатишга мўлжалланган бўлса уни қайноқ сув билан ювинг.
12. Қўлларингизни ювинг.



4 ва 5 пунктлар



7 ва 8 пунктлар

**Тестларга жавоблар:** 1 a,c,d,e; 2 b,c,e; 3 a,b; 4 b,c,e; 5 a,b,c,d; 6 b,c,e; 7 a,b,d; 8 b,d,e; 9 a,c; 10 a,d,e

**Тузувчилар:** Хусинова Ш.А., Касымов Ш.З, Фузайлов Ф.З., Холбаев С.Б., Рахимова Х.М., Аблакулова М.Х., Хакимова Л.Р., Лапасов С.Х., Абдуҳамидова Д.Х., Сулейманова Н.Э., Юлдашова Н.Э., Алимджанов З.Н., Валиева М.Х.

**Таъсисчи:**  
Ўзбекистон врачлар  
Асоцацияси 2011йил  
январдан ҳар чоракда чиқа  
бошлади.

Хурматли ўқувчи сиз бизнинг  
журналга обуна бўлишингиз  
мумкин. Обуна индекси:  

- 917 – индивидуал обуначилар  
учун
- 918 – муассасаса ва ташкилотлар  
учун

Нашрга берилди –  
Ўлчами. Ҳажми  
Адади – 1125  
«DM NASHR SERVIS»  
МЧЖ  
Босмахонасида чоп этилди  
Тошкент шаҳри.  
Шота Руставели кўчаси 91  
ўй.